

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 12

Самарканд шахри

«12» Январь 2022 йил

Самарканд Дори-Дармон ОАЖ кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи директор Ф.А.Шерматов номидан, бир томондан ва Самарканд шаҳар СЕО ва ЖСБ, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бош врач А.С.Турдиев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1.	Спирт этил 96,60%	кг	76	25021	1901596
	Жаъми:				1901596

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 1901596 (Бир миллион туккиз юз бир минг беш юз туксон олти) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % ни ташкил қилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментни ва нови лозим даражада булмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ булмаган миқдорда пена тулайди.

5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пена тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан копланеди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «12» Январдан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида ҳал қилинади.

8. ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги” ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

9.3 Мазкур _1901620 (Бир миллион туккиз юз бир минг олти юз йигирма) сумлик, № 12 сонли шартнома «12» Январдан 2 нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилояти буйича Газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний қучга қиради

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

Самарканд Дори-Дармон ОАЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

«Буюртмачи»

Самарканд шаҳар СЭО ва ЖСБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: г. Самарканд ул. Кимёгарлар қургони

Манзил: Самарканд ш. Хожи Мумин қучаси 2 уй

Тел./факс 225-17-7-,225-02-73

х/р: 20208000500307673001

Банк номи: ОАТБ «Алокабанк» вилоят филиали

МФО: 00985 СТИР: 200610747

ОКОНХ: 71212

Тел./факс: 234-48-08

ш/х* 100022860184017074110054001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 202050612

МФО: 00022

ОКОНХ: 91531

Самарканд вилоят буйича Газначилик бошқармаси

Ғазна х/в 23430000504626935010

Банкнинг номи: Марказий банк Самарканд . вилоят ХККМ

МФО 00022 ОКОНХ: 97160

ғазначилик бошқармаси СТИРи 206919238

Раҳбар:
(Ф.И.Ш)

Шерматов.Ф.А.



(имзо)

М.Ў.

Раҳбар
(лавозим)

А.С.Турдиев
(Ф.И.Ш)



(имзо)

М.Ў.

Ҳуқуқшунос _____

Лицензия (диплом) № _____ берилган санаси:

«__» _____ 20__ й

Ҳуқуқшунос _____

Самарканд шаҳар СЭО ва ЖСБ

Лицензия (диплом) № _____

берилган санаси:

«__» _____ 20__ й



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170800, Samarqand shahar, Kurchatov ko'chasi, 9-uy,
tel.: (998 66) 233 34 37, el.pochta: Samarqandyurmarkazi@mail.ru

2022-yil __yanvar__-son

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

SHARTNOMA

Samarqand shahar SEO va JSB (sotib oluvchi) hamda "Самарканд Дори-дармон"(sotuvchi) bilan 12.01.2022-yil tuzilgan oldi-sotdi shartnomasi №12 ya'ni kontrakt predmeti bint, paxta, etil spirit sotib olish to'grisida (MCHJ litsenziyasi, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to'g'risidagi qonun)

Samarqand shahar SEO va JSB (sotib oluvchi) hamda "Самарканд Дори-дармон"(sotuvchi) bilan 12.01.2022-yil tuzilgan oldi-sotdi shartnomasi №12 ya'ni kontrakt predmeti bint, paxta, etil spirit sotib olish umumiy qiymati QQS bilan 1 901 620 (bir million to'qqiz yuz bir ming olti yuz yigirma) so'm bo'lgan shartnoma O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi subektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to'g'risidagi qonuni talablariga muvofiq tayyorlangan.

Samarqand shahar SEO va JSB tomonidan 12.01.2022-yil tuzilgan va 13.01.2022-yil tizimga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022-yil 13-yanvar

Samarqand shahar Yuridik
xizmat ko'rsatish markazi
Bosh yuriskonsulti



A.Mustayev

 my.gov.uz

Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари
Портали



Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳузуридаги
Фармацевтика тармоғини
ривожлантириш агентлиги

№ 1852-4160-9928-df4a-6871-9051-1636
Хужжат яратилинган сана: 2021-05-10
Ариза рақами: 30713607

Хужжат берилган: АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
"SAMARQAND DORI DARMON"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200610747

Серия: - №: -

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига УУП6643 - сонли
ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "SAMARQAND DORI DARMON" Акциядорлик жамиятига дори воситаларини улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Димишқиболо ҚФЙ, Кимёгар МФЙ, Дўстлик массиви, Ертешар кўчаси, 1 уй.

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):	200610747
Лицензия берилган сана:	07-05-2021 йил
Амал қилиш муддати:	06-04-2025 йил
Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:	2546-04
Ваколатли шахс:	С.Кариев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги текшириш учун my.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

6504

